

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЭСАНОВ АЗАМАТ ШЕРНАЗАРОВИЧ

**ГОЛШТИН ГЕНОТИПЛИ ТАНА ВА ҒУНАЖИНЛАРНИ
ПАРВАРИШЛАШ ҲАМДА СЕРМАҲСУЛ СИГИРЛАР ПОДАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Эсанов Азамат Шерназарович

Голштин генотибли тана ва ғунажинларни парваришлаш ҳамда сермахсул
сигирлар подасини такомиллаштириш технологияси..... 3

Эсанов Азамат Шерназарович

Содержание нетелей и телок голштинского генотипа и также технология
формирования высокопродуктивных стада коров..... 19

Esanov Azamat Shernazarovich

Colshiteyn genetic type body and care of bovine and development of technology more
productive cows herd..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЭСАНОВ АЗАМАТ ШЕРНАЗАРОВИЧ

**ГОЛШТИН ГЕНОТИПЛИ ТАНА ВА ҒУНАЖИНЛАРНИ
ПАРВАРИШЛАШ ҲАМДА СЕРМАҲСУЛ СИГИРЛАР ПОДАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2. PhD/Qx611 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tdau.) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Досмухамедова Мухайё Хуснитдиновна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Носиров Убайдулла Носруллаевич
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Юлдашев Ало Аскарлович
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Ветеринария медицинаси институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «4» 08 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59/30 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «4» 08 кун тарқатилди.
(2020 йил «4» 08 даги 1-рақамли реестр баённомаси)



Ш.Р.Умаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор

У.Т.Данияров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.х.ф.д., доцент

М.Э.Аширов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қопидаги илмий
семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг аксарият мамлакатларида аҳолини сут-гўшт ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда чорвачилик етакчи тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда чорвачилик соҳасига замонавий инновацион технологияларни жорий этишда АҚШ, Канада, Германия, Голландия ва Исроил каби қатор давлатлар алоҳида ўринни эгаллайди. Жаҳон тажрибасида сут соғими бўйича голштин зотли сигирлар кўрсаткичи юқори бўлиб, ҳар бош сигирдан лактация даврида 9,0-9,5 минг кг. гача сут соғиб олинади ва сут таркибидаги ёғ миқдори 4,5-4,6 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда қорамолчиликда наслдор молларни парваришлаш, сермахсул зотларини яратиш, подаларнинг наслдорлик сифатини яхшилаш ва маҳсулот етиштириш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, голштин генотибли сигирларнинг сут соғими ва унинг таркибидаги ёғ миқдори кўрсаткичларини янада оширишга қаратилган илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад юқори генотибли гуруҳлардаги сигирларнинг сут соғимини ва унинг таркибидаги ёғ миқдорини ошириш орқали ижобий маҳсулдорликка эришишдан иборат бўлади¹.

Бугунги кунда республикамизда чорвачилик соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари жумладан, сут етиштиришни кўпайтириш, бунда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида озуқа захираларини яратиш, наслчилик ишларини йўлга қўйиш, қорамолларни генетик имкониятларини юзага чиқариш ва соҳага илғор технологияларни жорий этиш орқали сермахсул подалар яратиш ҳамда ҳар бош сигирдан соғиб олинadиган сут миқдорини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига ўсиб бораётган талабини қондириш” юзасидан вазифалар белгилаб берилган. Шу боисдан фермер хўжалиги шароитида қора-ола, қора-ола голштин ҳамда турли типли голштин зотли бузоқлар, урғочи таналар ва ғунажинларни жадал парваришлаш ва уларни туғишга тайёрлаш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда сермахсул подаларни яратишга қаратилган изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сон қарори² ва 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ

¹ <http://www.fao.org/fao-who-codexalimentarius>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сон Қарори

хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сон қарори ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади³.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Қора-ола зотли голштин генотибли қорамолларни районлаштириш ва сут маҳсулдорлиги ошириш, уларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини кўтаришда қатор илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Қуйида хорижий олимлардан S.Brody, J.C.Bonsma, D.E.Dowling, J.E.Johnston, G.G.Carzneiro, J.Findlay, A.O.Rhod, K.Phillips, K.G.Tilsh, Н.Ахмадалиев, Ф.Ф.Эйснер, П.Прохоренко, К.Ф.Кушнер ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Мавжуд муаммоларни ўрганишда қора-ола зотли голштин генотибли биринчи дурагай авлод ва АҚШ, Германия, Голландия, Хитой голштин зотли биринчи тукқан сигирларни йўналтирилган технологияда парваришlash, уларни серсут қилиш технологиялари, танлаш ва саралаш усуллари бир хил сақлаш ва озиклантириш шароитида амалга оширилган.

Ҳозирги кунда сут йўналишидаги моллар сони кўпайиб, наслчилик подалари шаклланган бўлса-да, турли голштин генотибли районлаштирилган зотларнинг наслдорлик, маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш ўзининг ижобий якунини кутмоқда. Қора-ола зотли голштин генотибли биринчи дурагай авлод ($1/2-1/2 F_1$) ва иккинчи ($1/4-3/4 F_2$) ҳамда Хитой голштин зотли ёш моллар, ғунажинлар ва биринчи тукқан сигирларни йўналтирилган технологияда парваришlash, уларни серсут қилиш технологиялари, танлаш ва саралаш усуллари бир хил сақлаш ва озиклантириш шароитида ҳали ўрганилмаган. Бу борада илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим. Ўзбекистон олимларидан Ш.А.Акмальханов, Э.Ю.Карчевский, Н.А.Мавлянов, У.Н.Носиров, А.А.Атбошян, А.Кахаров, М.И.Аширов, Б.А.Абдалниязов, М.Х.Домухамедова, Қ.Ж.Шакиров, М.Норбаева ва бошқалар томонидан қора-ола зотли голштин генотибли қорамолларни муҳитга мослашиш хусусиятларини ўрганишда турли голштин генотибга хос бўлган маҳсулдорлик типидagi молларни урчитиш мумкинлиги таъкидланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-10-072 «Наслчилик фермер хўжалигини такомиллаштириш, озуқа базаси ҳосилдорлигини 150 центнер озуқа бирлигига етказиш, завод подасини яратиш услубларини ва технологияларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади наслчилик фермер хўжалиқларида тана ва

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон Қарори.

ғунажинларни йўналтирилган технологияда парваришлаш, уларнинг сермахсул сигирлар подасини шакллантириш, маҳсулдорлик генетик потенциалини юзага чиқариш, биринчи тукқан маҳсулдорлиги юқори лидер сигирларни танлаш ва поданинг “насл ядроси” ҳамда ишлаб чиқариш гуруҳларини таъмирлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

турли генотипли қора-ола ва голштин зотли ёш молларнинг ирсий маҳсулдорлик имкониятларини очишда уларни сақлаш, парваришлаш ва озиқлантириш меъёрларини ишлаб чиқиш;

ёш молларни (тана ва ғунажинларни) йўналтирилган технологияда тўйимли рационларда озиқлантириш тартибини ўрганиш;

тана ва ғунажинларни енгил тизимли ва арзон қурилмалар остида ва очик майдончаларда сақлаш самарадорлигини аниқлаш;

ёш урғочи молларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда экстерьер хусусиятларини аниқлаш;

таналар тирик вазнини ошириш ва сунъий уруғлантириш, ёш урғочи молларнинг айрим биологик хусусиятларини ўрганиш;

ғунажинларни туғишга ва серсут қилишга тайёрлаш, биринчи тукқан сигирларни сут маҳсулдорлиги бўйича баҳолаш ва танлаш;

поданинг “насл ядроси” ва ишлаб чиқишдаги гуруҳларни сермахсул лидер сигирлар билан таъмирлаш ва пода структурасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги “Рохатой” наслчилик фермер хўжалигида 2012-2015 йиллар мобайнида қора-ола ва қора-ола голштин генотипли ёш моллар, урғочи ёш моллар, биринчи тукқан сигирлар, сермахсул сигирлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети қора-ола ва голштин зотли ёш молларни ривожланиши, экстерьер, биринчи тукқан сигирларни сут маҳсулдорлиги, биологик хусусиятлари, чатиштириш усуллари, сақлаш ва озиқлантириш технологиялари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларида зоотехникавий селекция ва технологик услублар, ташқи муҳитга мослашишнинг биологик услублари, молларни ўсиши ва ривожланиши, экстерьер хусусиятларини аниқлаш, ғунажинларни туғишга тайёрлаш, биринчи тукқан сигирларни серсут қилиш ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

наслчилик фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришда сермахсул подалар шакллантирилган, серсут моллар танланган ҳамда уларнинг генетик маҳсулдорлик имкониятлари аниқланган;

тана ва ғунажинларни жадаллаштирилган парваришлаш технологиялари ишлаб чиқилган;

16-18 ойлик тана ва ғунажинларнинг тирик вазнини 365-385 килограммгача ошириш механизми такомиллаштирилган;

биринчи тукқан турли генотипли сигирларнинг 305 кунлик сут соғими 3700-4200 килограммга етказилиб, сигирлар подаси қайта таъмирланган;

импорт ўрнини босадиган экспортбоп ғунажинлар ва биринчи тукқан

сигирлар гуруҳи яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

наслчилик фермер хўжалигининг моллари парваришлаш, сақлаш ва озиклантиришга хос шароитларини таҳлил қилинган ва тажрибага олинган ёш моллар генотипининг шаклланиши аниқланган;

бузоқлар, таналар, ғунажинлар ва биринчи туққан сигирларнинг ривожланиши ҳамда экстерьер хусусиятлари ва таналарнинг фъел-атвори, туғининг мустаҳкамлиги аниқланган;

ғунажинларни туғишга ва серсут қилишга тайёрланган, биринчи туққан сигирларни лактациясини 90 кунлигида серсут қилиш технологияси ҳамда уларни танлаш усуллари ишлаб чиқилган;

биринчи туққан сигирларни лактация фаолиятига хос парваришлаш ва озиклантириш ишлари амалга оширилган ва сигирларни экстерьер ва биологик хусусиятлари, елин шакли ва машина соғимига мослиги ва сут ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тошкент давлат аграр университети апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларига ижобий баҳолар берилганлиги, маълумотларнинг барчаси математик-статистик усулда ишланганлиги, илмий ишлар натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент вилояти шароитида сутдор қорамолчилик ҳудудларида чорвачилик йўналишидаги наслчилик фермер хўжаликларида биринчи маротаба бузоқлар, таналар ва ғунажинларни ҳамда биринчи туққан сигирларнинг ривожланиши бўйича селекция ва технологик жараёнларнинг самарадорлиги бўйича ишончли илмий натижаларга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, биринчи туққан сигирларни серсут қилиш технологияси ва лактация фаолиятига хос парваришлаш ва озиклантириш шароитлари ташкил қилинган ҳамда уларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатлари яхшиланганлиги изоҳлаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Голштин генотипли тана ва ғунажинларни ўсиш ва ривожланиши, биринчи туққан сигирларни тирик вазни, сут маҳсулдорлиги ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

сигирларни сут маҳсулдорлигини оширишга қаратилган “Қора-ола голштин зотли қорамолларни сут маҳсулдорлик кўрсаткичларини такомиллаштириш, молларни урчитиш, танлаш ва саралаш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тавсиянома” ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Ветеринария ва

чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 7 июлдаги 02/23-978-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бузоқ ва таналарни тирик вазни тегишлича 6-24 ойлигида 287,2, 300,9 ва 326,5 килограммни, шу билан биргаликда биринчи тукқан сигирларни тирик вазини 26-28 ойлигида тегишлича: 494,5, 513,5 ва 512,5 кг бўлишини таъминлаган ва сут маҳсулдорлиги мос равишда 3217,0; 3697,0; 4173 килограммни ташкил этган;

биринчи тукқан юқори фенотипли гуруҳдаги сигирларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш технологияси Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Азизжон” наслчилик фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 7 июлдаги 02/23-978-сон маълумотномаси). Натижада хўжалик шароитида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бир сўм харажатга 1,41-2,10 сўмдан даромад олинган ва рентабеллик даражасини 64-109 фоизга ошириш имконияти яратилган;

қора-ола голштин зотли биринчи туғум сигирларини сут маҳсулдорлигини уларнинг ёшига, тирик вазнига ва феъл-атвор кўрсаткичларига боғлиқликда кўпайтириш технологияси Оҳангарон туманидаги “Хожи-Акбар” наслчилик фермер хўжалигида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 7 июлдаги 02/23-978-сон маълумотномаси). Натижада лактациянинг дастлабки, 90 кунда олинган сут миқдори, хўжалик кўрсаткичидан 195,9 кг ортиқ бўлган ва олинган соф фойда 2497-2603 минг сўм, рентабеллик даражаси 55,2 фоизни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитида фермер хўжаликлари иштирокида ўтказилган семинарларда маъруза қилинган шунингдек, Тошкент давлат аграр университети апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларига ижобий баҳо берилган, маълумотларнинг барчаси математик-статистик усулда ишлов берилган, илмий ишлар натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилган, халқаро ва маҳаллий илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 9 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шулардан 2 таси хорижий давлатлар нашрларида, 5 та мақола илмий-амалий конференциялар материалларида (жумладан 2 таси хорижий) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, муаммони ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, илмий янгиликлари, амалий аҳамияти ва уларнинг аниқлик

даражалари, тадбиқ қилиш ҳамда апробация натижалари ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Голштин генотибли тана ва ғунажинларни ўсиш ва ривожланишини яхшилашга доир илмий изланишлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобда подаларни таъмирловчи бузоқ, тана ва ғунажинларни турли иқлим шароитларида йўналтирилган технологик усулларда парваришlash, ўсиш жадаллиги, биринчи тукқан сигирларни сут маҳсулдорлигига таъсир этувчи омиллари, сақлаш ва озиклантириш шароитлари, сут ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, молларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштиришнинг илмий асослари ва амалий услублари ўзгариш динамикаси чет элда, МДХ да ва Республикамизда олиб борилаётган тадқиқот натижалари ҳамда маълумотлар келтириб ўтилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича маҳаллий, хорижий манбалардан ва интернет маълумотлари ҳамда бир қанча олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, қорамолларни иссиқ иқлим шароитига мослашиш бўлимида организмнинг табиий резистентлиги, янги муҳит шароитларига молларнинг мослашиши, биологик кўрсаткичларининг ўзгариши ва маҳсулдорлик кўрсаткичларининг намоён бўлиш характери ёритилган. Бузоқ, тана ва ғунажинларни сақлаш ва озиклантириш технологияларини такомиллаштириш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Сут йўналишидаги бузоқларни сут ичиш давридан кейин тўғри ўстириш ва ўз муддатида қочириш муҳимлиги бўйича ўтказилган дастлабки илмий-тадқиқот натижалари таҳлил қилинган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот манбаи ва услуби**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотнинг объекти, схемаси ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қибрай, Охонгарон туманларининг наслчилик фермер хўжаликларида ўтказилган ва жорий этилган. Тадқиқот объекти қилиб, қора-ола зотли голштин генотибли ва Хитой голштин моллари қора-ола зотли голштин генотибли ва Хитой голштин моллари танланган.

Тадқиқот ишлари зоотехния, биологик ва статистик усулларда бажарилган. Ҳар бир тажриба хўжаликларида турли голштин генотибли сигирларни сақлаш тизимлари, озиклантириш меъёри ва хиллари ҳисобга олинган. Моллар экстерьерини баҳолаш 9 ва 100 балли шкалада ўтказилди, сут маҳсулдорлиги, сут таркибидаги ёғ миқдорини аниқлаш, назорат соғимини ўтказиш асосида клиник кўрсаткичлар Е.А.Арзуманян (1957), иссиққа чидамлилиқ Ю.О.Раушенбах (1975) усулларда, гемоглобин Сали бўйича, эритроцитлар ва лейкоцитлар сони Горяев камерасида аниқланди. Сутни озуқалар билан қопланиши В.Е.Недава (1966) усулида, олинган материаллар Е.К.Меркурьева (1970) нинг биометрик усуларида ишловдан чиқарилди. Тадқиқотлар натижаларининг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарфланган харажатлар ва уларни сотишдан олинган даромадлар бўйича, соф фойда ва рентабеллик даражаларини ҳисоблаш усулларида ўрганилди.

Тадқиқот натижалари бўйича анализ усулида тажрибанинг аниқлиги, селекцион белгилар оралиғидаги фарқланишликни ишончли даражаси (P), маҳсулдорлик селекция белгилари оралиғидаги корреляцион боғланишлик (r),

шунингдек иссиққа чидамлилиқ индекси (ИЧИ) ва ҳоказолар ўрганилди.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари бўйича Урғочи ёш моллар ва ғунажинларни йўналтирилган технологияда парваришlash, сақлаш ва озиқлантириш» деб номланган учинчи бобида ҳар бир чорва моллари турида ёш молларни парваришlash уларнинг индивидуал ўсиш қонуниятларига кўра амалга оширилади. Қорамолларни ўсиш ва ривожланишда унда мавжуд тўқималар-суяк, мускул ва ёғ тўқималарининг ўсиш жадаллиги улар ёшининг маълум даврларига тўғри келади. Жумладан, 6-9 ойлик бузоқларни сақлаш даври апрель-июль ойларига тўғри келиб, об-ҳаво шароити бузоқларни сақлашда салбий таъсир кўрсатмаган, куёш радиациясидан ижобий фойдаланган ҳолда, дарахтларнинг соя-салқин жойларида дам олдирилди. Дуркин ўсиш ҳолатлари кузатилди. Таналарнинг 10-15 ойлик даври август-март ойларига тўғри келди. Таҷрибадаги таналарнинг барчаси (n=30) бир гуруҳда очик майдонда эркин яйратиб сақланди. Енгил айвон тагида жойлаштирилган охирларда озиқлантирилди.

Молларни яхшилаш улар тирик массасининг кўтарилиши ва экстерьер хусусиятларини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди. Маълумки ёш моллар ривожланиш жараёнида вазн ва ҳажмга ўсиб боради. Уларни вазнга ўсиши ҳар ойда тарозида тортиб, тирик вазни ўзгариши, ойлик ва ўртача кунлик вазн кўшиши аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда берилди (1-жадвал).

1-жадвал

Таҷриба гуруҳларидаги ёш моллар тирик вазни ўзгариши, кг ($X \pm S_x$)

Ёши, ой	Таҷриба гуруҳлари					
	I (n=10)		II (n=10)		III (n=10)	
	$X \pm S$	C_v	$X \pm S$	C_v	$X \pm S$	C_v
6	152,8±1,5	3,16	155,1±2,1	2,72	159,1±2,2	6,20
9	208,5±2,5	3,50	214,4±4,1	3,01	225,0±3,5	4,02
12	261,5±3,7	3,98	265,3±4,2	3,65	280,0±4,5	9,62
15	307,1±2,9	4,01	322,0±3,7	4,07	338,0±3,1	7,89
18	351,0±3,0	2,76	366,0±3,7	3,64	384,0±2,8	6,18
21	395,5±6,0	5,51	411,6±5,0	5,71	430,0±2,9	5,44
24	440,0±3,2	7,30	456,0±4,0	12,56	485,6±4,5	10,13
26-28	494,5±3,2	6,69	513,5±4,0	14,26	542,5±4,5	3,60

6 ойлигида таҷриба гуруҳларига тўпланган бузоқларнинг тирик вазни I-гуруҳда 152,8 кг, II-гуруҳда 155,1 кг ва III-гуруҳда 159,1 килограммни ташкил этган ($P > 0,95-0,999$). Ушбу бузоқлар тирик вазни бўйича фарқланади III-гуруҳ устунликда бўлиб, 6,3 кг (2,96 %) ва 4,0 кг (2,51 %) ни ташкил этган. 12 ойлигида тегишлича 18,5 кг (6,61 %), 14,7 кг (5,25 %), 18 ойлигида 33 кг (8,59 %) ва 15 кг (3,91 %), 24 ойлигида 45,6 кг (9,39 %) ва 29,6 кг (6,10 %) га тенг ($P > 0,999-0,9999$). II-гуруҳдаги таналарни тирик вазни барча ўсиш даврларида I-гуруҳдагиларникидан тегишлича 2,3 кг, 3,8, 15,0 кг ва 16,0 килограммга юқори бўлди ($P > 0,999$).

Бузоқ ва таналар тирик вазн ўсишини озуқалар билан қопланишини ўрганиш муҳум ҳисобланади, чунки бу кўрсаткич молларни таннарҳи ва иқтисодий кўрсаткичларга таъсир кўрсатади. Вазн ўсишини озуқа билан қоплаш молларни зотини, ёши ва индивидуал сифатларига боғлиқ. Моллар ёшлигидан қанчалик жадал боқилса, улар балоғатга шунчалик тез етилади ва вазн ўсиши учун озуқаларни кам сарфлайди. Биз ушбу кўрсаткичларни тажриба гуруҳларидаги бузоқ ва таналарда ўсиш даврлари бўйича аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги таналар ўсиш вазнини озиқалар билан қопланиши

Ёши, ой	I		II		III	
	1 кг мутлоқ вазн ўсишига сарфланган					
	Озуқа бирлиги, кг	Ҳазм бўлувчи протеин, г	Озуқа бирлиги, кг	Ҳазм бўлувчи протеин, г	Озуқа бирлиги, кг	Ҳазм бўлувчи протеин, г
6-12	7,00	1242	7,25	1270	6,98	1274
13-18	9,09	1730	8,54	1639	8,74	1693
19-27	9,91	1812	10,17	1864	9,77	1779
6-27	8,77	1610	8,82	1616	8,61	1596

Молларнинг озиқланиш ҳаракатланиши, дам олиш ҳаракатларини эътиборга олган ҳолда фермадаги кун тартибига ўзгартиришлар киритилди.

Чунки уларнинг феъл атвори генотиби, сақлаш усуллари, озиқлантириш типи ва меъёри, кун тартиби ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг меъёрий бўлганлигини таъминлади. Моллар феъл-атворини ўрганиш билан улар танасида кечаётган физиологик жараёнлар жадаллиги ва мутонасиблиги ҳамда маҳсулдорлик кўрсаткичлари яхлит жараён сифатида ўрганилди. Тажрибадаги таналарнинг феъл-атворини уларнинг тик туриши, ётиши ва ҳаракатланиш фаолияти бўйича ўргандик (3-жадвал).

3-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги ёш моллар ҳаракатининг хронометражи (X±S)

Кўрсаткичлар	Ёши, ой	I-гуруҳ (n=10)		II-гуруҳ (n=10)		III-гуруҳ (n=10)	
		Минут	%	Минут	%	Минут	%
Тик туриш	12	905±10,09	62,8	910,5±12,1	63,9	935,7±13,1	65,1
	15	915,1±10,1	63,5	896,1±11,3	62,9	932,5±12,3	64,8
	18	872,6±12,7	60,6	867,2±10,1	60,2	897,0±11,5	62,3
Ётиши	12	535,6±11,9	37,2	529,5±9,8	36,1	504,3±12,1	34,2
	15	524,9±10,1	36,5	543,9±9,8	37,1	507,5±10,9	35,2
	18	567,4±12,5	39,4	572,8±10,8	39,8	543,0±9,8	37,7
Фаоллиги қадам ўлчовида							
Фаоллиги	12	12509±61,7		11579±71,5		12021±68,1	
	15	14222±65,9		12371±76,2		12875±69,8	
	18	13827±71,2		12173±68,7		13023±73,0	

Ҳаракатлар хронометраж кўрсаткичлари молларнинг гуруҳи ва ёши бўйича фарқ қилади. Жумладан кун давомида молларни тик туриш ва ётиш ҳолатлари давомийлигини ўзоро таққосласак унда 12 ойлигида тик туриш бўйича III-гуруҳ молларни устунликка эга. Уларда тик туриш давомийлиги 65,1 % ни ташкил этган бўлса, ётиш давомийлиги 34,9 % га тенг. Ушбу кўрсаткичлар II-гуруҳда тегишлича 62,9 ва 37,2 %, III-гуруҳда – 63,9 ва 36,1 % га тенг ($P>0,95$).

Юқори голштин генотибли моллар ўзларининг озуқага бўлган талабини қондириш учун озиқлантириш охирлари олдида кўпроқ вақт ўтказишган. Қора-ола голштин генотибли биринчи авлод таналар кўпроқ ҳаракатда бўлиб, ўзларининг озиқаларга бўлган талабини тезроқ қондириб, келган вақтини ётиб дам олишига ажратган. Уларнинг клиник кўрсаткичларида ўзининг тасдиқини топган. (4- жадвал)

4-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги ёш молларнинг клиник кўрсаткичлари ($X\pm S$)

Кўрсаткичлар	I-гуруҳ (n=10)		II-гуруҳ (n=10)		III-гуруҳ (n=10)	
	Молларни ёши, ой					
	12	18	12	18	12	18
Тана ҳарорати, °C	38,5±0,2	39,0±0,2	38,6±0,2	38,9±0,1	38,9±0,1	39,3±0,1
Юрак уруши, маротаба/дақ.	88,0±1,7	93,0±1,4	89,0±1,7	97,0±1,3	91,0±1,8	99,0±1,3
Нафас олиши, маротаба/дақ	36,0±0,9	40,0±1,0	37,0±0,8	44,0±1,0	37,0±1,1	41,0±1,0
Ҳаво ҳарорати, °C	18,0	17,0	18,0	17,0	18,0	17,0
Ҳаво намлиги, %	65	74	65	74	65	74
Ҳаво ҳаракат тезлиги м/сек.	4,3	4,8	4,3	4,8	4,3	4,8
Тажриба ўтказиш фасли	Куз	Баҳор	Куз	Баҳор	Куз	Баҳор

Тажрибалар қишқи озиқлантириш типини бошланиши (куз) ва охирларида (бахор) ўтказилган. Унда ҳаво ҳарорати тегишлича 18 ва 17°C, намлиги 65 ва 74 %, ҳаво ҳаво ҳаракатлар тезлиги 4,3 ва 4,8 м/сек ни ташкил қилган. Тана ҳарорати 12 ойлигида гуруҳлар бўйича 38,5-38,9 °C, юрак уруш тезлиги 88-91 маротаба ва нафас олиш 36-37 маротаба ҳамда 18 ойлигида – 38,9 39,0 °C, 91-97, 40-44 маротаба/дақиқани ташкил қилган.


Тажрибага олинган молларни организмда ўтган озуқаларни ўзлаштириш ҳамда оксидланиш ва тикланиш каби физиологик жараёнларни қай даражада ўтганлигини аниқлаш мақсадида тажрибадаги ёш молларнинг қон таркибидаги морфологик ва биохимиявий ўзгаришларини ўргандик (5- жадвал).

Тажриба гуруҳларидаги ёш моллар қонининг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари (X±S)

Кўрсаткичлар	I-гуруҳ (n=10)		II-гуруҳ (n= 10)		III-гуруҳ (n=10)	
	Молларнинг ёши, ой					
	12	18	12	18	12	18
Гемоглобин микдори, г/%	11,5±0,19	12,1±0,22	11,1±0,18	11,8±11,25	11,0±0,17	11,8±0,21
Эритроцитлар миллион/мм ³	10,7±0,20	11,8±0,20	10,6±0,2	11,4±0,2	10,9±0,19	11,5±0,23
Лекоцетлар, мин/мм ³	10,3±0,2	12,3±0,2	11,6±0,2	11,8±0,21	11,6±0,17	12,5±0,19
Умумий оқсил, г/%	8,45±0,1	9,51±0,1	8,31±0,1	8,92±0,1	8,53±0,3	9,55±0,2
Альбулилллар, г/%	3,35±0,1	3,15±0,1	3,32±0,1	3,10±0,1	3,20±0,2	3,30±0,1
Глобулинлар йиғиндиси, г/%	5,10±0,1	6,30±0,8	4,99±0,1	5,92±0,1	5,35±0,1	6,15±0,1
Ш.ж. альфа	1,60±0,1	1,78±0,1	1,62±0,1	1,82±0,1	1,62±0,1	1,85±0,2
Бета	1,25±0,1	2,02±0,1	1,35±0,1	1,92±0,2	1,42±0,1	1,98±0,1
Гамма	2,25±0,1	2,50±0,1	2,02±0,1	2,08±0,1	2,31±0,1	2,32±0,1
А/Г коэффицент	0,65	0,65	0,66	0,53	0,60	0,54

Умумий оқсил микдори бўйича қора-ола голштин генотибли биринчи авлод (I-гуруҳ) моллари иккинчи авлод (II-гуруҳ) голштин генотибли ва хитой голштинларидан (III-гуруҳ) қолишмайди. Умумий оқсил кўрсаткичлари молларни 12 ойлигида нисбатан 18 ойлигида кўтарилган. Ушбу кўтарилиш I ва III-гуруҳдаги молларда юқори даражада. Альбуминлар микдорини солиштирсак улар молларнинг 12 ойлигида устунлик қилади. Глобулинларга келсак, унинг микдори молларнинг 18 ойлигида нисбатан кўтарилаган. Унда устунлик I-гуруҳ молларга хос.

Диссертациянинг “**Биринчи туққан сигирларни ривожланиши**” деб номланган тўртинчи бобида тажрибага олинган сигирлар тана ўлчовларини ўзаро фарқланишлик даражаси таналарниқига нисбатан янада пасайиб борган.




1-расм. Сигирлар тана ўлчовларини 18 ойлик таналарниқига нисбатан ўзгариш графиги (100 % қилиб 18 ойлик таналарнинг ўлчовлари олинган)

Яъни I- ва II-гурӯҳ сигирлари тана ўлчамлари бўйича III-гурӯҳдаги сигирларга яқинлашиб борган. Улар ўзаро фақланишлик даражасини кўтарилганлиги фақат поча айланаси ва бош узунлиги бўйича кузатилади (1-расм).

Сигирлар тана ўлчовларини ўзаро фарқланишлик даражаси таналарниқига нисбатан янада пасайиб борган.

Яъни I- ва II-гурӯҳ сигирлари тана ўлчамлари бўйича III-гурӯҳдаги сигирларга яқинлашиб борган. Улар ўзаро фақланишлик даражасини кўтарилганлиги фақат поча айланаси ва бош узунлиги бўйича кузатилади (2-расм).



2-расм. Тажриба гуруҳларидаги сигирларни тана ўлчовлари бўйича фақланишлик графика (100 % I-гурӯҳ сигирларнинг тана ўлчовлари олинади)

Тажриба гуруҳларидаги III ва I-гурӯҳ сигирлар тана ўлчовларини фақланишлиги асосан 1-4 фоизга тенг. Фақат тос кенглиги ва бош узунлигининг фарқи 7,5 фоизни ташкил этган. II-гурӯҳ билан I-гурӯҳ ўртасидаги фарқланишлик янада паст бўлиб, 0,5-1,5 фоизни ташкил этган. Ушбу гуруҳлар орасида ўғриш суяк кенглиги ва бош узунлигини фарқи 3,5-4,0% атрофида. Демак тажриба гуруҳидаги сигирлар танаси бир текс шакилланиб борган.

Сигирларнинг биринчи туғимидаги сут маҳсулдорлиги, уларнинг зоти, генотиби, сақлаш, парваришлаш, озиклантириш меъёри ва типи, таналарни

ривожлантириш ҳамда ғунажинларни туғишга тайёрлаш, серсут қилиш технологияларига, сут соғиш техника ва усулларига боғлиқ. Биринчи туққан сигирларнинг 90 кунлик дастлабки лактация даврида серсут қилиш ёки ийдириш тадбирлари ўзининг ижобий натижасини беради. Тажриба гуруҳларидаги ҳар бир сигирнинг сут бериш потенцеали индивидуал аниқланди. Уларнинг сут соғими лактациянинг 3-ойига қадар кўтарилиб борди. Жумладан I-гуруҳ сигирларида лактациянинг биринчи ойида сут соғими ўртача 410 килограммга кўтарилган бўлса, иккинчи ойида 435 килограммга максимал кўтарилган бўлиб, учунчи ойида 429 килограммда сақланган. Ушбу ойларда ўртача кунлик сут соғими 13,7 кг, 14,5 ва 14,3 килограммни ташкил этган. Сут соғимининг ҳар кунлик кўтарилиши биринчи ва иккинчи ойларда 833 граммдан тўғри келган. Ушбу кўрсаткичлар II-гуруҳда тегишлича 483 кг, 509 ва 489 кг ўртача кунлик соғими – 16,1 кг, 17,0, 16,3 кг, кунлик ўсиши – 867 граммдан, III-гуруҳда эса – 536 кг, 563, 551 кг, 17,9 кг, 18,8 ва 18,4 кг ёки кунлик ўсиш – 900 граммдан тўғри келган. Бу борада устунлик III-гуруҳдаги хитой голштинларга хос.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларни сут маҳсулдорлиги уларнинг лактация фаолиятига хос равишда шакилланди (6-жадвал).

6-жадвал

Биринчи туққан сигирларнинг сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳлари					
	I (n=10)		II (n=10)		III (n=10)	
Лактация кунлари	X±S	C _v	X±S	C _v	X±S	C _v
	301		302		303	
Сут соғими, кг	3217±117	6,08	3697±119	10,09	4173±121	8,09
Ёғ миқдори, %	3,63±0,05	1,69	3,70±0,02	1,02	3,71±0,03	0,98
Сут ёғи, кг	116,8±2,1	5,33	136,8±3,9	8,02	154,8±3,60	6,25
Тирик вазни, кг	423,9±29,0	18,26	437,5±21,0	19,12	458,9±31,0	12,25
Сутдорлик коэффициенти	758,9±17,0	16,42	845,0±25,0	12,22	909,3±23,0	11,36
Шу жумладан лидер сигирларни маҳсулдорлиги (n=4)						
Сут соғими, кг	3371,0±119	11,06	3953,0±121	13,07	4492,0±124	13,81
Ёғ миқдори, %	3,62±0,04	1,06	3,65±0,02	1,05	3,69±0,02	0,05
Сут ёғи, кг	122,2±2,0	3,22	144,9±4,2	3,56	163,4±3,91	2,36
Лактация кунлари	302		302		303	
Тирик вазни, кг	421,0±25,5	9,56	436,0±20,4	10,02	457,8±30,9	15,02
Сутдорлик коэффициенти	799,4±18,1	7,88	916,4±27,9	8,73	980,0±28,9	10,33

Сигирларни сут соғими қора-ола сигирларнинг стандартидан 2650 кг анча юқоридир. Жумладан қора-ола зотли голштин генотибли биринчи авлодниги (1/2-1/2) (I-гуруҳ) 567 килограммга ёки 21,4 фоизга, қора-ола голштин генотибли иккинчи (1/4-3/4) авлодниги (II-гуруҳ) 1047 килограммгача ёки 39,5 фоизга, хитой голштинлариники (III-гуруҳ) – 1523 кг ёки 57,5 % га юқоридир.

III-тажриба гуруҳларидаги сигирлар сут соғими бўйича бошқа

гуруҳларидан устинлик қилган. I-гуруҳдаги сигирларни 956 килограммга (29,7%), II-гуруҳдаги сигирларни 476 кг (12,9%) га орқада қолган. Голштин генотиби кўтарилган кўтарилган II-гуруҳ сигирлари I-гуруҳдан 480 килограммга (14,8 %) кўп сут берган ($P>0,95-0,9999$). Жумладан, тирик масса – сут соғимида $r=0,23$ ва $0,63$, тирик масса-ёғ миқдори $r=0,15$ ва $0,61$, тирик масса-сут ёғида $r=0,30$ ва $0,57$. Молларнинг тана тузилиш типиди ва елиннинг морфо-функционал белгилари яхшиланди. Машинада соғиш технологиясига мослашди, сут бериш жадаллиги 1,41 кг/дақиқадан 2,40 кг/дақ га кўтарилди. Сигирларни янги типиди шаклланди. Улар сут соғими ва сут ёғи бўйича қора-ола зотининг стандарт кўрсаткичларидан анча устунликка эришилди. Жумладан, сут соғими 1100-1848 кг (38-54 %) ва сут ёғи 50-81 кг (41-66 %) га ошди ($P>0,99-0,999$).

ХУЛОСА

1. Рохатой наслчилик фермер хўжалигининг озуқа базаси, молларни парваришлаш, сақлаш ва озиклантиришга хос бўлган шароитларда қора-ола голштин генотибли моллар ва хитой голштини урчитилмоқда. Уларда урғочи ёш молларни йўналтирилган технологияда парваришлаш ҳамда биринчи туққан сигирларни серсут қилиш тадбирлари ўзининг ижобий натижасини берди.

2. Урғочи ёш моллар (6-24 ойлик) ва ғўнажинларни йўналтирилган технологияда парваришлаш, сақлашда тажриба гуруҳлари бўйича сарфланган озиклар тўйимлилиги 2997, 3160 ва 3301 озуқа бирлигини, 3516 кг 3752 ва 3950 кг куруқ моддани ҳамда 550 кг, 580 ва 612 кг ҳазмланувчи протеинни ташкил этди. Озиклантириш типиди концентрат озикалар салмоғи 8,5-9,3 % да сақланди.

3. Ёш моллар тирик вазни мутлоқ ўсиши 6-24 ойлик даврида I-гуруҳда 287,2 кг, II-гуруҳда 300,9 кг ва III-гуруҳда 326,3 кг ёки ўртача кунлик ўсиш тегишлича 539 гр, 557 ва 605 граммни ташкил этди. Мутлоқ вазн ўсишини озуқа бирлиги билан қопланиши тажриба гуруҳлари бўйича 6-12 ойлигида тажриба гуруҳлари бўйича тегишлича 7,00, 7,26, 6,98 дан, 19-27 ойлигида – 9,91, 10,17 ва 9,77 га ёки 6-27 ойлигида 8,77, 8,82 ва 8,61 озуқа бирлигига тўғри келди.

4. Голштин генотибли молларда оёқ ва туёғининг мустахкамлиги муҳим аҳамиятга эга ҳамда улардан хўжалиқда фойдаланиш муддатини узайтиради. Тажрибадаги ёш молларни туёқ шакли ва унинг мустахкамлиги 12 ва 18 ойлигида ўрганилди. Олинган маълумотларга кўра голштин генотипининг кўтарилиб бориши ва айниқса соф зотли голштинда туёқлар каттиклиги бўйича нозиклашиб борди. Ушбу кўрсаткичларда I-тажрибадаги қора-ола зотли голштин генотибли биринчи авлод (1/2-1/2) устунлик қилди.

5. Таналарни физиологик хусусиятлари парваришлаш даврида физиологик нормада ўтиб, ташқи муҳит шароитига яхши мослашганлиги ва озуқаларни ўзлаштиришдан далолат беради. Молларнинг клиник кўрсаткичлари барча гуруҳларда бир текс физиологик нормада ўтган. Гемоталагик кўрсаткичларда ҳам гуруҳлар бўйича кескин фарқланишлик кузатилмайди. 18 ойлигида гемоглобин миқдори 11,8-12,1 г/%, эритроцитлар сони 11,4-11,8 миллион/мм³, лейкоцитлар – 11,8-12,3 минг/мм³ ва умумий оқсил 8,9-9,5 г/ % га тенг.

6. Биринчи туққан сигирларни 90 кунлик лактация даврида серсут қилиш технологиясида аванслаштирилган озиклантириш тадбирлари қўлланилди. Тажриба гуруҳларидаги сигирлар сут соғимининг кўтарилишига қараб, озиклантириш меъёри фарқланди. 90 кун мобайнида сарфланган озуқалар тўйимлилиги I-гуруҳда 3729, II-гуруҳда 3908 ва III-гуруҳда 4509 озуқа бирлигини ташкил этди. Озиклантириш типидида концентратлар салмоғи 34-37 % гача кўтарилди. “Аванс” озуқалар концентрат ва ширали озуқалар ҳисобидан ҳар 10 кунда ошириб борилди.

7. Биринчи туққан сигирларнинг тирик вазни тажриба гуруҳлари бўйича $423,9 \pm 29,0$ кг, $437,5 \pm 31,0$ ва $458,9 \pm 31,0$ килограммни ташкил этди. Моллар тананинг хажмга ўсишида кескин фарқланишлик кузатилмади. Экстерьерни тузимли баҳоси тўртта комплекс кўрсаткичлари бўйича 81,7 балл, 82,9 ва 84,0 баллни ташкил этиб, I-класс талабларига хос бўлди.

8. Тажрибадаги сигирлар елининг шакли ва морфо-функционал хусусиятлари машина соғимига хосдир. Юқори сифатли ваннасимон ва косасимон шаклидаги елинлар I-гуруҳда 50 %, II-гуруҳда 70 ва III-гуруҳда 80 фоизни ташкил этди. Елин узунлиги тегишлича 26,5, 27,1 ва 28,1 см, кенлиги 21,7, 22,5, 23,7 см, елин айланаси 71,7, 75,3, 80,2 см, сўрғичлар узунлиги 6,5-6,9 см бўлиб, сут соғим тезлиги 1,60, 1,67 ва 2,17 кг/мин ни ташкил этди.

9. Лактациянинг биринчи 90 кунлик даврида, сигирлар сут соғими бўйича баҳоланади. Тажриба гуруҳлари бўйича ўртача сут соғими тегишлича 1274, 1481 ва 1650 килограммни ташкил этган бўлса, лидер сигирларники – 1308, 1540 ва 1721 килограммга кўтарилди. Нисбатан паст маҳсулдорли (30%) сигирларники орқанда қолиб, 1191, 1324 ва 1486 килограммни ташкил қилди. Лидер гуруҳдаги сигирлар наслчилик фермер хўжалигининг сигирлар подасини тўлдиришда фойдаланилади.

10. Тажрибадаги сигирларнинг лактация даври 301-303 кун давом этиб, гуруҳлар бўйича тегишлича 3217 ± 117 кг, 3697 ± 119 ва 4173 ± 121 килограммдан сут соғиб олинди. Сут таркибидаги ёғ миқдори нисбатан тенг бўлиб, 3,63-3,71 фоизни, сут ёғи $116,8 \pm 2,1$, $136,8 \pm 3,9$, $154,8 \pm 3,6$ килограммни ташкил этди. Сутдорлик коэффицентни 758, 845 ва 909 килограммга тенг. Ушбу кўрсаткичларни барчасида III-гуруҳдаги хитой голштинлари устунлик қилди.

11. Сутни озуқалар билан қопланишлик даражаси юқори. 90 кунлик лактация даврида 1 кг сут ишлаб чиқиш учун I-гуруҳда 1,23 озуқа бирлиги 187 г ҳазмланувчи протеин сарфланган бўлса, II-гуруҳда тегишлича 1,02 ва 1633, III-гуруҳларда 1,08 ва 157 г сарфланган. 300 кунлик соғим даврида эса 1,16, 209 г, 1,06, 188 г, 1,08 ва 183 г дан тўғри келган.

12. Сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигида юқори голштин генотибли моллар устунлик қилиб, соф фойда I-гуруҳда 961,9 минг, II-гуруҳда 1257 минг сўм, III-гуруҳда 1821 минг сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси тегишлича 29,9 %, 35,4 % ва 46,7 % га тенглашди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭСАНОВ АЗАМАТ ШЕРНАЗАРОВИЧ

**Содержание нетелей и тёлоч голштинского генотипа и также технология
формирования высокопродуктивных стада коров**

06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства продуктов
животноводства

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации на соискание ученой степени
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Ташкент – 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована Высшей Аттестационной Комиссией при

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована Высшей Аттестационной Комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.2. PhD/Qx611

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации представлен на трех языках: узбекском, русском и английском языках (резюме)) в веб сайте Научного совета (www.tdau.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Досмухамедова Мухайё Хуснитдиновна
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Официальные оппоненты:

Носиров Убайдулла Носруллаевич
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Юлдашев Ало Аскаревич
Доктор философии сельскохозяйственных наук (PhD)

Ведущая организация:

Самаркандский институт ветеринарной медицины

Защита диссертации состоится «17» 09 2020 года в «10⁰⁰» час на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019.Сх.13.02 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном аграрном университете.

Диссертацией можно ознакомиться в Центре информационных ресурсов Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 54/332). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская -2, ЦИР ТашГАУ, 1-этаж. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «27» 08 2020 г.
(в протоколе реестра под номером «1» от «27» 08 2020 г.)



Ш.Р. Умаров
Председатель Научного Совета по
присуждению ученых степеней,
д.с/х.наук, профессор

У.Т. Данияров
Учёный секретарь Научного Совета по
присуждению ученых степеней,
к.с/х.наук, доцент

М.Аширов
Председатель семинара при
Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.с/х.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В большинстве стран мира животноводство является одним из ведущих секторов в обеспечении населения молочными, мясными и другими продуктами питания. В настоящее время ряд стран, таких как США, Канада, Германия, Нидерланды и Израиль, играют особую роль во внедрении современных, инновационных технологий в животноводческом секторе. Судя по мировому опыту, коровы голштинской породы имеют высокий удой молока, 9,0 - 9,5 тыс. кг на корову в период лактации и содержания жира в молоке составляет 4,5 - 4,6%.

Сегодня в скотоводстве развитых стран особое внимание уделяется на выращивание племенных животных, создание высокопродуктивных пород, повышение племенных качеств стад и совершенствование технологии производства. В частности, ведутся научные исследования для дальнейшего увеличения удоя и содержания жира в молоке у коров с голштинским генотипом. Основной целью вышеуказанных работ является достижение положительной продуктивности за счет увеличения удоя и содержания жира у коров в группах с высоким генотипом¹.

В настоящее время в нашей стране предпринимаются, ряд мер по коренному реформированию и дальнейшему развитию животноводческого сектора. При этом особое внимание уделяется увеличению производства животноводческой продукции, в том числе, увеличению производства молока, путем создания кормовых резервов, налаживания племенных работ, раскрытия генетического потенциала крупного рогатого скота личных подсобных хозяйств, фермеров и дехканских хозяйств, внедрения передовых технологий в отрасли, в целях создания высокопродуктивных стад и увеличения удоя молока в усреднённом расчете с одной головы коров.

В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 определены задачи «...динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны». Поэтому в контексте условий фермерского хозяйства остаются актуальным вопрос о необходимости проведения исследований по разработке технологий интенсивной выращивании телок, по подготовке к отелу нетелей черно-пестрой, голштинской породы и различных типов телят, телок и нетелей голштинской породы, а также, вопросы создания высокопродуктивных стад.

Данная диссертационная работа в определенном мере служить для выполнения задач, указанных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 18 марта 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию и поддержке животноводства» № ПП-4243 и Постановлении Президентеа РУз, № ПП-2460 от 29 декабря 2015 года «О мерах по дальнейшей реформированию и развитию сельского хозяйства на 2016–2020 годы» и в других нормативных актах касательно отрасли животноводства³.

Взаимосвязь исследования с приоритетными направлениями развития науки и техники республики. Данная диссертация выполнена по

приоритетным направлениям согласно статьи V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» в рамках программ по развитию науки и техники республики.

